
Биография

Шавкат Раҳматуллаев



Шавкат Раҳматуллаев 1926 йилнинг 15 мартида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1943 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетининг ўзбек филологияси бўлимига ўқишга қабул қилиниб, 1947 йилда имтиёзли диплом билан битирди. 1947-50 йилларда мазкур факультетнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси аспиранти бўлган. 1949 йилдан бошлаб ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, профессори лавозимларида ишлаган. 1968 йилдан 1993 йил сентябригача Умумий тилшунослик кафедрасининг мудири лавозимида ишлаган.

1952 йилда МДУ филология факультети қошидаги Ихтисослашган кенгашда номзодлик диссертациясини, 1966 йилда ЎзФА қошидаги Ихтисослашган кенгашда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимнинг лексикограф сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи марта яратилган “Ўзбек тилининг этимологик луғати (I - туркий сўзлар, 2000)”, “Ўзбек тилининг этимологик луғати (II – араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар, 2003)” фан тараққиётидаги жиддий ютуқ сифатида эътиборга молик.

Шавкат Раҳматуллаев лотин алифбоси асосидаги янги ўзбек ёзувини жорий этишда қўлланмалари билан фаол иштирок этмоқда. “Ўзбек тилининг имло луғати” (1995), “Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси” (1999, 2002) каби ишларда олимнинг янги лотин алифбоси хусусидаги мулоҳазалари ёритилган.

Шавкат Раҳматуллаев ҳозирги ўзбек адабий тилининг асосий бўлимларини қамраб олган “Ҳозирги адабий ўзбек тили” дарслигини яратди (лотин алифбосида, 2006).

Шавкат Раҳматуллаев 114 номдаги дарслик, ўқув қўлланма, илмий мақола ва луғатлар муаллифидир.

Олим 1990 йилда “Меҳнат фахрийси” медали билан мукофотланди. Шу йили “ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвонига сазовор бўлган. 1996 йилда ТошДУнинг “Юксак хизматлари учун” нишони билан тақдирланган. Профессор, том маънодаги олим, заҳматкаш инсон Шавкат Раҳматуллаев Президентимизнинг 2005 йил 24 август фармонига асосан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Бу олимнинг машаққатли меҳнатига берилган энг юксак баҳодир.

Асарлари:

1955

Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. ЎзФА нашриёти .

1957

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштирма фразеологик бирликлар ҳақида // Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари, 104.

Ҳозирги замон ўзбек тилида сон туркуми ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари, 104.

Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий кўринишлари // Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари, 104, 1957.

Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили, ЎзФА нашриёти.

Модал сўзлар // Ҳозирги замон ўзбек тили, ЎзФА нашриёти.

1961

Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке // Труды СамГУ, вып. 106.

1962

Жамловчи сон ясалишидаги чекланишнинг сабаби ҳақида бир мулоҳаза. Ўзбек тили ва адабиёти, № 2.

Луғавий бирликларнинг замонийлиги жиҳатидан гуруҳланиши ва номланиши масаласига доир. Ўзбек тили ва адабиёти, № 4.

1963

Архаизм ва историзм. ТошДУ илмий асарлари, 211.

Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси. Ўзбек тили ва адабиёти. № 4.

Узбекский язык для взрослых (самоучитель). Т.

1964

Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. Т., “Фан”

1966

Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Т., “Фан”.

1968

Ўзбек тилидаги грамматик алоқанинг баъзи турлари ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. № 5.

1970

Нутқимиз кўрки. Т., “Фан”

1975

От // Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. Т., “Фан”

Модал сўзлар // Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. Т., “Фан”

1977

Узбекский язык для взрослых (самоучитель). Изд. 2-е. Т., “Ўқитувчи”

Асарлари:

1978 Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. “Ўқитувчи”

1980 Орфография қоидалари – саводхонлигимиз асоси. Т., “Фан”, 1980.
Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати (ҳаммуаллифликда). “Ўқитувчи”

1985 Узбекский язык для взрослых (самоучитель) в соавторстве. Изд. 3-е. Т., “Ўқитувчи”
Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати (ҳаммуаллифликда). “Ўқитувчи”

1988 Илмий иш олиб бориш асослари. Университет гуманитар факультетларининг тилшунос студентлари учун ўқув қўлланма. Т.

1990 Узбекский язык для взрослых (самоучитель) в соавторстве. Изд. 4-е и 5-е. Т., “Ўқитувчи”

1992 Ўзбек тилининг фразеологик луғати. “Қомус”

1995 Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. Ўқув қўлланма. Т., “Ўзбекистон”
Ўзбек лотин алифбоси. Ўқув қўлланма. Олий таълим вазирлиги O`zbek tilining imlo lug`ati. Т., “Ўқитувчи”

1997 Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати (ҳаммуаллифликда). I қисм. “Университет”

1998 Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати (ҳаммуаллифликда). II қисм. “Университет”

1999 Ҳозирги ўзбек ва рус тилларида фразеологик антонимлар. “Университет” нашриёти
Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати (ҳаммуаллифликда). III қисм. “Университет”
Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати (ҳаммуаллифликда). IV қисм. “Университет”

2000 Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). “Университет”

Асарлари:

2001 Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. “Университет” нашриёти

2002 Илмий тадқиқот асослари. Магистрантлар учун ўқув қўлланма. “Университет”

2003 Ўзбек тилининг этимологик луғати ҳаммуаллифликда (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). II жилд. “Университет”

O`zbek tilining imlo lug`ati (ҳаммуаллифликда). T., “Ўқитувчи”

Copyright © 2022
All Rights Reserved.